

## 12 ёшли муслима дунёдаги энг ёш ёзувчи деб топилди



18:21 / 19.05.2021 1507

Саудия Арабистонидан Ритаи ал-Ҳазми энг ёш ёзувчи унвонига сазовор бўлди. Икки роман нашр этилгандан сўнг, ёш муслима Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

"Ўқишни ўрганган кундан бошлаб мен ижодкор бўлишга қарор қилдим, дунё билан фикр алмашаман", - дейди муслима. Унинг биринчи китоби "Йўқолган денгиз хазинаси" бир мақсадга эга яъни, ўқувчиларни ўз орзуларини рўёбга чиқаришга ундашдан иборат .

2020 йилда у "Beyond The Future World" (Келажак дунёсидан ташқарида) деб номланган учинчи китобини ёзишни бошлади.



барига кўра, китоб ёзишдан ташқари, муслима қиз адабий билимларни ўргатиш учун ўз семинар ташкил этишга қарор қилган.

***Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси***